

ШАХС КАМОЛОТИ НАЗАРИЯЛАРИ ТИЗИМИДА ШАРҚОНА МОДЕЛ

Садриддинов Сухроб Рустамжонович

TIFT университети дотценти Психология фанлари

бўйича фалсафа доктори (PhD).

Садриддинов Сайроб Рустамжонович

магистр

Аннотация: Шахснинг камол топишига ташқи ва ички омилларнинг таъсири қузатилиб, Шарқ ижтимоий-психологик таълимотларида теологик концептларнинг устуворлигининг қузатилиши Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоийнинг тафаккурининг маҳсули тарзида ўрганилган бўлиб. Ёшлар камолотини таъминлашда улардан фойдаланиш назарий жиҳатдан изоҳланган.

Калит сўзлар: шахс, шахс структураси, шахсга доир таълимот, психологик мактаб, ижтимоий-психологик таълимот, ижтимоий роллар, ҳаёт мазмуни, камол топиш босқичи, фазавий ўзгариш, инқироз, психологик ёрдам кўрсатиш.

Психология фанида шахс, шахснинг структураси, индивид ва шахс тушунчаларидаги тафовутлар масаласи фундаментал тадқиқотлар даражасида ўрганилган бўлиб, бугунги кунга келиб лаборатория шароити ҳамда эмперик изланишлар тарзида ўрганиб келинмоқда. В.М.Бехтерев шахс тушунчасига тиббий-психологик тарзда ёндашиб 1905 йилда Киев шаҳрида бўлиб ўтган рус психиатрларининг II съездидаги маърузасида шахс тушунчасига доир мавжуд бўлган ёндашувларда биз турли хил бир-бирини инкор этувчи маъноларнинг талқинига дуч келамиз. Дарҳақиқат, шахс тушунчасига доир турли хел қарашлар, нуқтаи назарлар унинг муаллифининг қайси психологик мактабга таълуқлилигига ҳам боғлиқdir деб таъкидлайди. Унингча “Шахс тушунча сифатида атроф муҳитга фаол муносабатда бўлишни мужассам этиб, бу ҳолат ташқи таъсирларнинг индивидуал ишлов бериш билан асосланади²”. В.М.Бехтеревнинг ташқи таъсирга индивидуал ишлов бериши деганида шахсни объектив жиҳатдан тавсиф этиб, унинг ақлий компонентига алоҳида урғу берган. Шахс, А.Ф.Лазурскийнинг кўрсатиб ўтишича биринчидан, инсонда камол топиш жараёнида ифодаланган катта ёки кичик кўрсатгич бўйича; иккинчидан, инсонда камол топиш жараёнида асаб ва эгзопсихик тафовутларни мужасамлашганлиги биан белгиланади³. В.М.Бехтеревнинг ёндашувига нисбатдан А.Ф.Лазурскийнинг ёндашуви мукаммал саналиб, унда темперамент, хорактер ва ақлий қобилияtlар каби тушанчалар воситасида функцияларни бажарилишини белгиланлиги билан ҳам эътиборли саналади.

² Куликов Л.В. Психология личности в трудах отечественных психологов: Хрестоматия. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. - С.16.

³ Куликов Л.В. Психология личности в трудах отечественных психологов: Хрестоматия. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. - С.18-19.

Фан ривожланишининг тарихига эътибор қаратсак, шахс тушанчасига муносабат билдириш учун В.М.Бехтеревнинг “ҳар бир психологик мактабнинг фаолияти унинг намёндадари тмонидан таъриф беришда ифодаланиши” деган нуқти назари ижтимоий-психологик жиҳатдан (Ижодий фаолият, ижод психологияси) эътиборга молик. Бу тарздаги ёндашувлар Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида алоҳида ўрин тутади. Масалан, Абулқосим Фирдавий “Шоҳнома” асарида инсонни камол топишида ижтимоий омилни таъсирини алоҳида кўрсатиб, ташқи таъсиrlага индивидуал тарзда турли кўриниш ва мазмундаги муносабат билдиришда “Инсонни ўзига бўлган муносабатини ижобийлиги” муносабат мазмундорлигини, сифатини таъминловчилигини кўрсатиб:

“Нигар то чй бикори ҳамон бидравй,

Сухан ар чй гўи ҳамон бишнави⁴” деб, субъект томонидан ифодаланган хулқ намунасга, шу тарздаги хулқ намунаси жавоб бўлишини таъкидлаган.

Шарқ психология тарихида шахс тушунчаси алоҳида қўлланилмаган бўлсада, аммо шахс шакилланишининг турли босқичлари ва унга экзо ва эндо омилларини ҳам сезиларли таъсири ўз ифодасини топган. Бу, ўз навбатида Шарқнинг ижтимоий-психологик таълимотида инсон ижтимоий мавжуд сифатида талқин этилаётганлигини кўрсатади. Шу жумладан А.Новоий “Ҳайратул – Аброр” (Яхшилар ҳайати) асарида исломий контекст тарзида камол топишини фазавий даражасини қуидагича кўрсатиб ўтган:

- “ўн ёшгача одам оёғи бойроқ, ғафлатда бўлади (тафаккури ривожланиб, тафаккур тарзи ва мантиқий операцияларни амалга оширишни шаблонли вариантларини ўрганиб, меъёрларга амал қилиш ва қадриятларни ўзлаштириш тарзида ривожланади. Хотириси ва диққати ҳам ривожланади);

- йигирмагача умр билимсизлик, мастилик билан ўтади (когнитив қобилияtlар, инсонни аффектив соҳаси, мотивацион соҳаси ҳамда “Мен-концепсияси” ривожланади. Турли ижтимоий ролларни ўрганиб, уларни бажаришга формал тарзда ёндашади);

- ўттиз билан қирқнинг орасида хурсанчилик даври (когнитив қобилияtlарнинг ривожланиши, аффектив ва мотивацион соҳани ривожланиши, “Мен-концепция”сини ривожланиши, хулқ-авторининг мазмундорлиги таъминланиб, ижтимоий ролларни бажаришда фаоллик кузатилади);

- элликка кирганда киши тараққий топмаса, олтмишга етганда унинг иши таназзулдан иборат (билиш жараёнларнинг ривожланиши аффектив ва мотивацион соҳаларни такомиллашуви, жисмоний ва ижтимоий хулқ муносабатларининг такомиллашуви кузатилиб, ижтимоий ролларни бажаришда

⁴ Абулқосими Фирдавсий Шоҳнома (Иборат аз 9 чилд. Ҷилди 1. Тахияи. К. Айнӣ, З. Ахрорӣ, Б. Сирус. Ҳайати таҳр.: М. Осимӣ, К. Айнӣ, З. Ахрорӣ, А. Маниёзов, М. Н. Османов). –Д, Адиб, 2007. – 480 с. – Силсилаи «Ахтарони адаб», ч. 4.

унинг сифатига эътибор қаратилади, “истайман ва қўлимдан келмайди” тарзида зиддиятлар кузатилади);

- етмишгача киши оёқ устида тура билиши керак (организмни фаолиятини сақлаш – жсмоний саломатликни асраш, когнитив хусусиятларнинг ривожланиши, аффектив ва мотивацион соҳаларнинг такомиллашуви, “Мен-концепсия”сида “Мен ва ташқи дунё”, “Мен ва жамоа” тарзидаги кўринишларда такомиллашув ифодаланади);

- саксонда эса унинг ўлтириши фарзdir (маънаий сифатларни намоён этиб, ижтимоий рол сифатида ота/она, бобо/буви кабиларни фаол тарзда ажариб, хотирани ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши (боқий ва фоний дунёни манзарасини қиёслаш тарзида), эмоционал таъсирчанлик, оилавий муносабатлар мотивацияси, “маънавий Мен”и ривожланиб, донолик унинг хулқатвор намунасида мужасамлашади);

- тўқсонда киргандан кейин йиқилиши (психофизиологик жиҳатдан айрим тана аъзолари ўз функциясини бажара олмаслиги, эшитиш, ҳис этиш, кўриш ҳамда психофизик функцияларда ўзгаришлар кузатилади, психик деформациялар кузатилади, ҳаётдан қониқканлик ёки қониқмаганлик яққол (қиёфавий кўринишда, мулоқот тарзида) ифодаланади, қариликка мослашуви таъминланади);

- юзга тўлгандан сўнг жонни тарқ этиши⁵ (ўлим ва ўлиш, ўлишдан қўркув ҳисси ва унинг босқичлари намоён бўлади, атроф муҳит ва буюмларга бўлган муносабатида ўзгаришлар кузатилади)” таъкидланган.

Юқорида Абулқосим Фирдавсийнинг ижтимоий-психологик таълимотида тарихий обазларнинг (Жамшид, Фаридун) намунасида камол топиш динамикаси, Алишер Навоийнинг инсон камолотига доир бўлган ёндашувида ҳам социогенетик ва когнитив назарияларнинг муҳим ғоялари ифодалангандир. Гарчи теологик (илоҳий) ёндашув уларнинг психологик қарашларини мазунини таъминлаган бўлсада. Алишер Навоий камолотни таъминлашда маънавий асосга, яъни иймон, эътиқод ва ишончга камолотнинг индивидуал манбааси саналиши назарга олинган. Бу ёндашувда менталликнинг ифодалашини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Чуник унинг фикрича, инсонни камол топишида кўриш, қиёслаш ва ижтиоий жараённи иштирокчиси бўлиш рвиожланиш учун муҳим саналади. Шу сабабли “Кишининг мақсади табиий яшаш бўлса, истак билдириб, ҳамма ёқа бириши, кўриши лозим⁶”. Сўнгиси бўйича Ж.Хосперс “психологик феноменлар вақт ва макондан холи бўлиб, уларни тартибга келтириш учун амал қилишади”⁷ деб кўрсатиб ўтган. Биз, фанда шахс тушунчаси, шахснинг тузулиши ва ривожланишига диор турли хил илмий ёндашувларни мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан “Шахснинг шакилланиши”, “Шахс динамикаси”, “Шахснинг ички тузулмаси”, “Шахснинг

⁵ Алишер Навоий. Ҳайратул-Аброр (Яхшилар ҳайрати). – Т., 1974. – Б. 119.

⁶ Алишер Навоий. Ҳайратул-Аброр (Яхшилар ҳайрати). – Т., 1974. – Б. 119.

⁷ Hospers J. An Introduction to Philosophical Analysis. 2 nd ed. London: Poutledge & Kegan Paul, 1967. - P. 379-381.

маънавий борлиғи” кабилар ҳам шалар жумласидандир. Фикримизча, сўнгиси (“Шахснинг маънавий борлиғи”) Шарқ ижтимоий-психологик қарашлар тизимида марказий ўринларни эгалайди. Аммо, бу илмий мунозара мавзуси саналмиш масала бу кунга қадар ижтимоий-психологик тадқиқот тарзида ўрганилмаган.

В.Н.Мясищев шахс тушунчасига муносабат билдириб “шахс бу олий интеграл тушунча. Шахс асосан инсоннинг атроф муҳитга бўлган муносабатлар тизими билан характерланади⁸” дея таъкидлайди. Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоийнинг ижтимоий-психологик таълимотларида эса, В.Н.Мясищев тамонидан кўрсатиб ўтилган “инсонни атроф муҳитга бўлган муносабатлар тизими” ўз аксини “S-S” (субъект-субъект) тарзида ижтимоий муносабатлар динамикасида ифодаланган. Абулқосим Фирдавсий ифодаланган хулқ-автор намунасида ҳамда ижтимоий фикрнинг назоратни таъминловчи функциясига эътибор қаратиб Жамшиднинг шоҳ сифатида тутган йўлига нисбатдан аҳолини муносиб жавоб қайтарганлигини кўрсатиб ўтади. Алишер Навоий эса, камолотнинг ибтидо ва интиҳо нуқтасини саккиста фаза тарзига қўрсатиб ўтилганлиги Шарқ ижтимоий-психологик таълимотида диний ғоялар устуворлигини кўрсатиб, ўша даврнинг илмий тафаккури нуқтаи назаридан илфорлиги билан ажралиб туради. Алишер Навоийнинг фазавий ривожланишда когнитив, ўзига хосликни ифодалаш, аффектив ва мотивацион ўзига хосликни ривожланиш дарадасини, “Мен-концепсияси”ни ривожланиши, хулқ-автор намуналари босқичларини алоҳида кўрсатиб ўтмаган бўлсада, унинг қарашларида ижтимоий билиш устуворлик қиласи. Айнан шу жуҳатлари билан Алишер Навоийнинг шахс ва унинг структурасига доир ёндашувлари “Маънавий инсон концепсияси”га уйғундир. Бу уйғунлик В.Д.Шадриков тамонидан илгари сурулган маънавий қобилият деб крсатилган бўлиб, муаллиф “маънавий қобилият, индивиднинг табиий қобилиятлари билан алоқадорликда тушуниш⁹” лозимлиги каби қарashi билан ифодаланади. Шу билан бирга Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоийнинг ижтимоий-психологик таълимотларида камолот жараёнида ижтимоий ролларни ҳам ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ангалаш ифодаланган. Назарий жиҳатдан саккиз босқичли камолот жараёнида ижтимоий ролларни бажараиш функцияси жиҳатидан объектив (ташқи) ва субъектив (ички) каналлар асосида таъсир етказилиши инобатга олинган. Ўша даврнинг илмий дунёқарашида психологик нуқтаи назаридан бу тарздаги ёндашув қиёслаб бўлмайдиган ҳодиса саналади. Чунки лаборатория шароитида тадқиқотлар ўтказиш ва эпиринк тадқиқотларда методикалардан фойдаланиш анча кейинроқ жорий этилган. Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоий камолотни ижтимоий ролларни бажаришда ҳам кузатиб, бу назарияси бўйича Алишер Навоийнинг камолот босқичига эътибор қаратсак, бунда: -

⁸ Мясищев В.Н. Понятие личности в аспектах нормы и патологии. Психология отношений. – Москва; Воронеж, 1995. - С.48-53

⁹ Шадриков В.Д. Фрагменты из книги: Духовные способности. - СПб., 1997. – С. 19-41.

фарзандлик; моддий ва маънавий яратиш билан шуғулланиш - касб-корли бўлиш; оилапарварлик-оилага эга бўлиш ва эр/хотин, ота/она, ака/ука, опа/сингил, қайнота/қайнона, мулк соҳиби, истеъмолчи каби базавий ижтимоий ролларни эгаллаши алоҳида инобатга олинган. Бу жараёнда маънавий компонент ҳар бир ролнинг функциясини маъзмундорлигини таъминланиши алоҳида инобатга олинган. Чунки “элликка кирганда киши тараққий топмаса, олтмишга етганда унинг иши таназзулдан иборат” деб даврий инқирозларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган. Ижтимоий-психологик таълимотлардан маълумки¹⁰, камолотнинг бирон-бир босқичида, субъектдаги ўзгариш динамикасида ижобий кўрсатгич кузатилмаса, охир-оқибатда функционал жиҳатдан у томондан бирон-бир ижтимоий ролни бажаришда ҳам қийинчиликлар кузатилади. Бу ҳолатда амалий-психологик ёрдам талаб этиладики, таълим-тарбия муасассаларининг психологиларини касбий вазифаси саналади. Шарқ ижтимоий-психологик таълимотларида баҳтли ҳаёт кечириш ўсишнинг ҳар бир фазавий кўрсатгичи тариқасида амал қилиши оила ҳаётида ва жамоалар фаолиятда амал қилиши белгиланган. Кўриниб турубтики, камолотнинг шарқона моделида баҳга эришиш ҳам асосан теологик (илоҳий) таълимотлар асосида амал қилиб, бунда ижтимоий меъёр ва қадриятларни жамиятда ифодаланганилиги, субъектлар тамонидан уларни ўзлаштириш ва ҳаётта тадбиқ этишлари учун мъянавий манба саналади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абулқосими Фирдавсӣ Шоҳнома (Иборат аз 9 чилд. Ҷилди 1. Таҳияи. К. Айнӣ, З. Аҳрорӣ, Б. Сирус. Ҳайати таҳр.: М. Осимӣ, К. Айнӣ, З. Аҳрорӣ, А. Маниёзов, М. Н. Османов). –Д, Адиб, 2007. – 480 с. – Силсилаи «Ахтарони адаб», ч. 4.
2. Алишер Навоий. Ҳайратул-Аброр (Яхшилар ҳайрати). – Т., 1974. – Б. 119.
3. Куликов Л.В. Психология личности в трудах отечественых психодиагностов: Хрестоматия. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. - С.16.
4. Мясищев В.Н. Понятие личности в аспектах нормы и патологии. Психология отношений. – Москва; Воронеж, 1995. - С.48-53
5. Социальная психология: учебное пособие / Отв. ред. А. Л. Журавлев. - М.: Пер Сэ, 2002. - 351 с.
6. Шадриков В.Д. Фрагменты из книги: Духовные способности. - СПб., 1997. – С. 19-41.
7. Hospers J. An Introduction to Philosophical Analysis. 2 nd ed. London: Poutledge & Kegan Paul, 1967. - Р. 379-381.

¹⁰ Социальная психология: учебное пособие / Отв. ред. А. Л. Журавлев. - М.: Пер Сэ, 2002. - 351 с.